

Қобил МИРЗО

ҚАРО ЗУЛФИНГ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг
қирқ ғазалига 40 мухаммас

(Иккинчи нашр)


«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ
2008

84(5y)6

Адабий-бадиий нашр

Мирзо Қобил, «Қаро зулфинг» З. М. Бобур
газалларига мухаммаслар. «Andijon nashriyot-matbaa»
ОАЖ. 2008. 48 бет.

Мазкур тўпламдан муаллифнинг З.М. Бобурнинг
гўзал ғазалларига боғланган мухаммаслари ўрин олган.
Мухаммаслар жозибаси, ўзига хослиги, юксак ба-
дийлиги, фикрий кенглиги билан кўзга яққол ташланади.
Ўйлаймизки, тўплам шеърият ихлосмандларига маъқул ва
манзур бўлади.



34206
10 09,
61

ISBN 978-9943-331-07-5

© Қобил Мирзо.
© «Andijon nashriyot-matbaa»
ОАЖ. 2008.

ИЖОД МАШАҚҚАТЛАРИ

(Қобил Мирзонинг «Қаро зулфинг» китоби ҳақида)

Мумтоз адабиётимизда жанр ранг-баранглиги унинг янада гўзал ва янада жозибадорлиги белгисидир. Ундаги ғазал, рубойй, қитъа, мухаммас ва мусаддаслар нафақат шакл, балки мазмунни талқин этиш борасида ҳам ўзига хослигини намоён қилиб туради. Бу билан у ўқувчининг бир бутун маъно касб этувчи шеъриятга эҳтиромини ўстиради.

Ана шу жанрлардан бири бўлмиш мухаммас эса алоҳида диккатга лойиқлиги билан жозибалидир.

Мархум олим, профессор, Оллоҳ раҳмати инсон Фатҳиддин Исҳоқов «Мухаммасда қуйидаги нуқталарга зътибор қилинади», - деб ёзаркан, шундай деган эди:

«1. Мухаммас учун замин қилиб олинган байт билан унга кўшилган мисралар орасида фикрий боғланиш яқинми – узоқми?

2. Вазнда, тил воситалари ва услубий меъёрларда умумийлик борми-йўқми?

3. Мухаммас мисралари мазмунида изчилилк (фикрларнинг бири-биридан келиб чиқиши, кейинги мисранинг аввалги мисра мазмунига боғлиқ бўлиши в. б. сақланганми – йўқми? Шу ва шунинг сингари жиҳатларга разм солиб китобхон мухаммас «чиқибди» ёки «чиқмабди» деб баҳо беради, агар мухаммас «чиққан» бўлса, шоир газални қанақа йўл билан ёки нималар ҳисобига бойитганига назар солинади. «Чиқмаган» бўлса, ҳаммага аён ўлчовлар асосида унинг камчиликлари қайд этилади».

Устоз домламизning бу гапларини келтиришдан биз икки мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Биринчиси шуки, муҳтарам шеърият шайдоси бўлмиш ўқувчимиз катта истеъдод сохиби шоир Қобил Мирзонинг «Қаро зулфинг» китобига кирган мухаммасларнинг қандай асар эканлигини янада англаши учун оз бўлса-да назарий маълумот билан қуролланган бўлсин. Иккинчидан улуғ шоиримиз Заҳириддин Мухаммад Бобур ва Қобил Мирзо биргалашиб туриб бу мухаммасларда қандай мазмунни илгари сурғанликларини англаб етсинлар.

Мухаммас боғлаш осон иш эмас. Вақтли матбуотлар саҳифаларида зълон қилинаётган мухаммасларнинг ҳаммасини ҳэм мухаммас деб бўлмайди. Аммо Қобил Мирзо, домламиз

айтгандай «.. ўзига оғир юқ қўйиб олган. Шунинг натижасида (ижоднинг энг мураккаб ва энг оғир) машаққатини чеккан». У ўзидан бошқа мумтоз газалларга мухаммас боғловчилардан анча илгарилаб, пешқадам мухаммасчилар сафига ўтган. Чунки унинг мухаммасларида фикрий кенглик, қаламга олинган мавзуларни теран англаган ҳолда воқеаларга ёндашиш ётади. Ва шундан келиб чиқиб бадийликни унутмаслик, ифодаларни янада аниқ, замон руҳиятидан узилмаган ҳолда тараннум этиш жараёнлари катта сабр-бардош, қаттиқ изланишлар самараси ўлароқ пайдо бўлади.

Шоир ёзади:

*Бормикин оламда ҳеч, излай қаёндин яхшилига,
Кўз ёшим ҳам топмади оҳу фигондин яхшилига.
Жон талаб қилгайму, мен бағри сўзондин яхшилига,
Ким қўрибдур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилига,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз туттма ондин яхшилига.*

Қобил Мирзо Бобурнинг хассос ижодкорлигини яхши билади. Сатрлардаги қочиримлардан чуқур мазмунни англаб ета олади. Ифодаларнинг гўзаллигию, мазмунларнинг уйғун теранлиги уни ҳайратга солади. Бу ҳайратлар, бу ҳаяжонлар энди не-не ўйю хаёллар ва мулоҳазалар натижасида ёндош сатрлар бўлиб Бобур газалларига боғланган мухаммасларга айланади.

Рост, мухаммаслар осонликча яралган эмас. Узун тун ва кўп кунлар картон дафтарга игнани «қитр-қитр» уриш ва талай қийинчиликларни бартараф этиш натижасида юзага келгани албатта, тушунган одамга аён бўлиши аниқ.

Муаллиф ўзаро сұхбатларда: «Ниятим Бобур газалларини ўрганиш ва тарғиб қилиш», дея таъкидлайди. Йўқ, у устоз бобомиз Бобур газалларини ўрганиб, тарғиб қилибгина қолмаяпти, ростмона ижод ҳам қиляпти. Бақувват, пухта мухаммаслар яратмоқда.

Ўйлаймизки, кўхна ва ҳамиша навқирон адабий анъана ҳисобланган мухаммасчиликда шоир машаққатли меҳнатининг самараси бўлган «Қаро зулфинг» тўпламидаги мухаммаслар унинг ўзига хос ва ўзига мос овози бўлиб қолади.

Фарид УСМОН,
шоир.

ЗОР АНГА

Ой жамолинг бўсасидин чайқалур, ҳуммор анга,
Зулфи толинг қучса ҳамки юз урар юз бор анга,
Жон бериб, жон сўрди жоним, олса жон тайёр анга,
Ёғлигингким, жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга.

Суркалиб қошу сочунг, ҳаттинг ифорига тўяр,
Кипригинг тирнаб анинг бағрида юз минг гул ўяр,
Тўш уриб, рангини лаълингдин сўриб, ўзни бўяр,
Эврилур бошингга гоҳи юзунгга юз қўяр
Бу жиҳатдин от эмиш гулпечу гаҳ гулзор анга.

Кумри-ла булбул қўниб, кўксида сарҳуш дил ёзар,
Настарин юз очганидин ташна лаб, тўймас назар,
Боғланиб бошингга, мунча ул гўзалдур, алҳазар,
Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар,
Теграси гулзордурким, бўлмағай бир хор анга.

Неча гулзор бор жаҳонда барчаси ҳам хордуур,
Юз ўғирмиш тўти, булбуллар сенга иқрордуур,
Юз қаро тарсони пайдо айлаб ул зуннордуур,
Ёғлигинг токим юзу кўзингга тегмиш бордуур,
Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Ишқ - бу уммон, сенчи хасдек унда сарсон кема,
Гоҳ ютар, гоҳ иргитар - комида айлар ҳар нима,
Жаври жонингдин ўтиб йиққанда ҳамки, оҳ дема,
Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тифи, ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлигини ёр анга.

Қўймағил бошингдин айру, бу момолардин расм,
Ташна, зор қилғай анга, эй ёр, сенга ёқмасим,
Саргариб, Мирзо, хазондек ерда ётсинки хасим,
Кўнглум истар ёғлигингни, балки андин бир насим -
Етса Бобурга, эрур жон бирла миннатдор анга.

КЕРАК БҮЛСА

Күз очма қошида, ёш түкар, ёш керак бўлса,
Лаб урма лаълига санга бардош керак бўлса,
Бу сирни ҳеч кима ҳеч этма фош, керак бўлса,
Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса.
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Юзунгга вола ризвон, сўлмасун ҳаргиз,
Сўзунгга садқа ҳар жон ўлмасун ҳаргиз,
Сигинсин сенга кўнгил, тўлмасун ҳаргиз,
Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз,
Ки, бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ул ой ҳажрида ёнсанг, ҳам умрингни ғам еса,
Қайтма бу йўлдин фалак чархи бошингға келса,
Лутф этармен, сен манга жон берарсанму деса,
Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,
Бу йўлға қўйма аёқ сенга бош керак бўлса.

Қоматин кўриб шамшод синар қилганда таъзим,
Сўзун эшитса булбул тилин тишлаб қолур жим,
Лабидин томса новвот олмаға татур, балким,
Қўйуб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошиға туфроқу оғзиға тош керак бўлса.

Кўнглунгдағи афсона бир қуш ўлса, эй Бобур,
Бу дунё асли ҳуснфуруш ўлса, эй Бобур,
Мирзони телба қилғон ҳам туш ўлса, эй Бобур,
Санинг била бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлгуси санга, ул ёри хуш керак бўлса.

ЗЕБО ЯНА

Бошима ишқ тошини отди ажаб дунё яна,
Ёшима түлди жамъи дунё бўлиб дарё яна,
Учди оҳимдин фалакка Каъбаи тилло яна,
Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мояъи савдо яна.

Қошима келмоқлигингни ёзди ул дилдор манга,
Жисму жонимға таралмиш мушки анбар манга,
Ваъда айларди висолидин ўшал сарвар манга,
Кўрсатиб рухсори зулфин ул парипайкар манга,
Жону кўнглумни қилибдур волаву шайдо яна.

Мен сенга лойиқ эмасман юз куйик-офтоби моҳ,
Хусни мулкингга хиёнат этди бу гумроҳ силоҳ,
Ташна ҳасрат ўтиға ёнсин таним, урганда оҳ,
Ёр кўйиндаги том сенсен манга пушти паноҳ,
Сояйи лутфингни сол, чун санга келдим то яна.

Дема пушмон қилмишидин йигласам тўлиб-тўлиб,
Бенаво шайдолигимдин ич-ичим ерман, сўлиб,
Бахтиёрлар ичра тургумдур кўйингда қўғрилиб,
Шодлиқниу фарогатни қўйиб ошиқ бўлиб,
Меҳнату ғамни қилибмен ўзима пайдо яна.

Бир боқиб аҳли жаҳон қалбини рўшно айлади,
Қатл этарға нечасин ҳукмида имзо айлади,
Юз гадоликни бу Мирзогаким ижро айлади,
Ёрга қулмен дегач, Бобурни расво айлади,
Тенгри мендек бандасини қилмасин расво яна.

КАМ БИЛА

Не учун оламға келгай ҳар киши күз нам била,
Балки дунё бўлғанидин қайгуга ҳамдам била,
Ё яралган чун азалда аслида бир кам била,
Бўлмадим умримда бир дам хотири ҳуррам била,
Гар илиқдин келса бир дамни кечурманг ғам била.

Ўтди жонимдин, тин олмас қисматимнинг заҳмати,
Ёр учун ёндим, яна кўп таъна бўлди раҳмати,
Ё битилғон тақдирим қаттиқ қалам бирлан хати,
Неча бўлғай ёр ҳижронию даврон меҳнати,
Нақди умрим, оҳким, ўтди ғаму мотам била.

Жумла олам ўртаниб, ўтмоқда ҳуснунг жабрида,
Нун киби қаддим дуто қошинг умидин сабрида,
Зарра борму илтифот лаъли лабингнинг ажрида,
Зоҳир ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида,
Ўтлуғ оҳим дуд янглиғ чиқса печу ҳам била.

Зумда етсам васлиға, бўлса илоҳий бир қанот,
Бош уриб ўлсам оёғидин, дилим топса нажот,
Икки дунё лаззатин тотган бўлурдум шу заҳот,
Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Иҳтилот этмак манга ёқмас бани одам била.

Илтижо айлаб, тилаб чўқдим қошингда икки тиз,
Лутф кўрсатгил манга, ағёрдин энди сўзни уз,
Ёқла Мирзо бошиға қурган фалак чархингни буз,
Қатъ этиб Бобур боридин, чун санга келтурди юз,
Бок эмас якруй бўлса жумлаи олам била.

ШАЙДОЛИФ БИЛА

Гүлу хор ўлдим мудом хүб қалби дарёлиф била,
Ёрга зор күрдүм ўзум ҳар қанча тақволиғ била,
Етди умрим охири ғурбатда танхолиғ била,
Нече расво бўлғамен ишқ ичра шайдолиғ била,
Ҳеч киши кўрмайдурур ошиқ бу расвониғ била.

Кезди саргардон кўнгул бу мубталолиғ абрида,
Не балолар кўрмадим, ёндим шамснинг сабрида,
Гоҳ гадо, гоҳ подшоҳ бўлдум ўшал ой даврида,
Ҳар нечаким тутдим ўзни порсолиғ таврида,
Бўлдум охир шуҳратий оғоқ шайдолиғ била.

Дарди кўйунгда сўнгаклардин чиқар фаёд мен,
Бу оҳанг оғушида дил пора-ю ҳам шодмен,
Васл учун ҳар икки дунёдин кечар авлодмен,
Менки ҳижронингда қон ютмоқ била мұтодмен,
Манга йўқдур ҳеч нисбат айши сах болиғ била.

Ишқни зоҳид ҳеч қилур бормай у тоат лутфиға,
Лойиқ ўлмас ҳамд ила қотса, камолот лутфиға,
Каъба ҳувиллаб қолур, чўмса саодат лутфиға,
Шайх шеърим маън этар етмай балоғат лутфиға,
Найлагай ёраб киши бу пири нобоблиғ била.

Мен гадони эшигига бир қаратса не ажаб,
Шоша қочган чогида мушкин таратса не ажаб,
Бехуши Мирзони савдои яратса не, ажаб,
Бобури бедилни ишқи телбаратса, не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

БҮЛМАСА

Ким тутар бу жонни, ул танга оро бўлмаса,
Ким тотар ишқ ҳажрини, ул ҳусни танҳо бўлмаса,
Ким тилар ризвонни, ул гули хумро бўлмаса,
Ким кўрар хуршидни, ул моҳи сиймо бўлмаса,
Қим сўрар шаккарни, ул лаъли шакарҳо бўлмаса.

Зулфи мушк анбар дурур, оҳ, чирмашиб ўпмиш тароқ,
Жон суви тўлган қадаҳ тутмиш, ажаб, гулгун дудоқ,
Тамшаниб, ютқаб лабим, лаълини қувладур шу чоқ,
Гул тикандур кўзларимга, ул юзи гулдин йирок,
Сарв ўқдир бағрима, ул сарв боло бўлмаса.

Икки дунё роҳатин йўлида қилгум хорким,
Ул босиб ўтган изин ўпмоққа мен ҳуммормеким,
Лаъли гул очганда ризвон ҳам ниҳон-иқрорким,
Жаннатул маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,
Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тергама, мажнун ила жунунга ошно бўлма деб,
Ишқ ўтдур, ўйнашиб, оғзида пайдо бўлма деб,
Бош уриб тошга, санам қошида тарсо бўлма деб,
Тиймагил девона кўнглумники расво бўлма деб,
Ошиғ ўлғайму эди ул телба расво бўлмаса.

Кўнглунга таскин беролмас жаннату чогир сенинг,
Етмиш уммат ҳасратидин, ҳасратинг оғир сенинг.
Ўлмогинг, Мирзо, ўшал ой ҳажрида зоҳир сенинг,
Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг.
Ёрдин кўнглунг керакким ўзга қатъо бўлмаса.

БАЙРАМ БИЛА

Зулфу ҳолингдин чўкур тун, тарқамас юз шам била,
Дилга оташ тушса, ўчмайдур неча кўз нам била,
Ишқ дардиға даво топмас киши малҳам била,
Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмагай наврӯз ила, байрам била.

«Асли одамни машаққатға яратдим» - деб битар,
Гарчи шундок эрса дунё, бандасин нелар кутар,
Телба олам гулханида гоҳ ёниб, гоҳо тутар,
Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъя топмас гар ичар ҳар давр жоми жам била.

Борми кўнглунг олғали, деб сўрмагил, кишинг сенинг,
Симу зар тўксанг аларға ўлчашур бўю зининг,
Неча олам кезмагилки, сен гариб, чиқмас тенгинг,
Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким менинг,
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам била.

Эмди кўнглум оҳи базмим, алдамасман ўзни,
Истамам жон офати, ёлғон шакарҳо сўзни,
Алмашай дил додига ҳарнеки чўлпон кўзни,
Сендин айро найлагаймен ийд ила наврӯзни,
Ойу йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Ишқ оғуси била умрингни гар аччиқласанг,
Васлиға еткурмаган кўзингни бир-бир тиғласанг,
Жон сўраб келганда Мирзо, сен яна қутлуғласанг,
Тортиб аффон, оҳ уриб ҳижронда Бобур йиғласанг,
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бе зеру бам била.

СОЧИНИНГ САВДОСИ...

Куиди кўксим оқсан ул оташли кўз ёшдин яна,
Қайдин олгум қолмагач, бағримда бардошдин яна,
Не жафолар кўрдум энди хусни бебошдин яна,
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Ул вафо қилгайму деб, қўрқув ютар эрдим, вале,
Илкида тутқинлигимдин неча ғам ердим, вале,
Нотавон бир қуллигимдин ор этар дердим, вале,
Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим, вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна.

Даҳри дундин етти осмонга етурсен, қилса кул,
Ўлмоғингдин наф кўурумиш, ийғлаб ўтмоғинг тугул,
Ишқи гирдоб ичра чўқдинг, тўлғониб сочинингни юл,
Юз ёмонлиғ кўруб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиқни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Нолай афғон чекурмен ҳар не роҳатдин нари,
Бунча бепарво турурким дилраболар дилбари,
Доду фарёдим фалакни тутди, ҳайф кетди бари,
Тош урар атфол мени уйида фориг ул пари,
Телбалардек қичқиурмен ҳар замон тошдин яна.

Барча ошиқлар риёзат чеккан ул йўлни тутай,
Дашти ҳижронда таваккул, сабр ила тоқат этай,
Жабр жонинг кўрса Мирзо қувна, орзуға етай,
Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдум, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

ЗУЛФИ ШАЛОЛА

Гул очди юз баҳоринг, зулфингмиди шалола?
Сочингда неча доринг - бўйнимда шунча тола,
Кўзмунчоғинг, туморинг ўзи ҳам сенга вола,
Хаттинг аро узоринг сабза ичинда лола,
Ул чашми пурхуморинг лоладаги ғазола.

Кўпларни олиб нишон, пойларди ўқи мижгон,
Лаълингда садда райҳон, шайдоси боғи ризвон,
Қошинг қиличи посбон - қадди бастингга қурбон,
Барча парилар, эй жон, гирдингда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоён ой теграсида ҳола.

Қошингни қоқма такрор, жонни олур жавр бор,
Гул юзларинг отиб хор, айлади хаста бемор,
Раҳм этмадингки дилдор, кўнглумга етди озор,
Мехру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендин ағёр,
Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Жисмингни қучса кўзгу кўнглум ичарди оғу,
Кўксингни ўпид инжу ётарди - не азоб бу?
Жодуларинг - бу жоду эзгуми ёки қайғу?
Ҳажрингда эй парирў, кўзимдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгға дегру ишимдур оҳу нола.

Ҳар неча қилмагил зор, орланиб берма озор,
Мадҳингга ёзиб ашъор, изҳор этай ифтихор,
Васлингга Мирзо хумор, ҳажрингни айлай ошкор,
Юз сафҳасинда хатлар бошдинки, ҳар тараф бор,
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.

ҚАЧОН БҮЛГАЙ

Қаламдек лабларим босиб, қониб ўтсам ҳилолингға,
Қаро юз қылса ҳам боқиб, ёниб ўтсам шу ҳолингға,
Навосиз йиғларам, қай күн осурсен зулфи толингға,
Қачон бүлгай мушарраф бүлғамен, жоно, жамолингға,
Құтулғаймен фироқингдин, етишгаймен висолингға.

Юз очқил, юз қаро бүлмиш бу олам ёширин юздин,
Нурафшон айлагил күңглум, қолибман ажралиб ўздин,
Такаллум бошлагил, шаккар ёғилсин дунёга сүздин,
Күз очқил боққаликим, бүлмишам бемор ул күздин,
Лаб очқил сүрғаликим, ташна бүлмишмен зилолингға.

Ҳама сендин қочодур, юксалиб осмон қадар етсанг,
«Жаҳон ҳар ёғида танқо ўзим» - деб фахр этиб кетсанг,
Бошинг осмөнга етса, асли зодинг ўтли бир ҳарсанг,
Ул ойнинг юзи бирла түш бўлиб давойи ҳусн этсанг,
Яқин бўлди, буқунким, эй қуёш, еттинг заволингға.

Забун ҳолимни етказмак учун мундоқ усул этсанг,
Кўзумнинг қонидин унган хинодин даста гул этсанг,
Тақиб ул ой итиға, кўнглин олсанг, шод кўнгул этсанг,
Кабутар, элтасен хаттим, не бўлгай, гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға.

Ошур ишқим сенга, овора бўлма, қанча бедод эт,
Кўрин, сен тўғрида ўй сурмоғимдин лаҳза озод эт,
Бу Мирзо кўнглини кўзгу қилиб, юзинг сол, обод эт,
Белингдинким, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,
Умидим борки, Бобурдин етишгаймен хаёлингға.

БАҲОР АЙЁМИ

Кўнгил соғинч ила тўлмиш, бу неларнинг нишонидур?
Мусофирик ўтур жондин, ани балким фиғонидур.
Элим байрам қилур— Наврўз – айни шодланмоқ онидур,
Баҳор айёмидир дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шаробин нобким, ишрат замонидур.

Гаҳи Афғон, гаҳи Ҳиндда ўтарким кунларим дилхун,
Тушиб айро диёрдин суратим ҳам сийратим Мажнун,
Гўзал юрт Андижоним ҳам безанмиш Лайлидек шу кун,
Гаҳи сахро узори лола шаклидин эзур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин аргувонидур.

Етур оҳим ахир бир кун ўтиб тилларга тиллардин,
Ўшал дам қон ёшимдин гуллара қуй, - оқди диллардин,
Сабо! Гулзор қилиб тутгил элимга чин кўнгиллардин,
Бино саҳни чаман бўлди муннаққаш ранги гуллардин,
Магарким сунънинг наққошига ранг интиҳонидур.

Йироқ бўлсанг-да мендин сен, ўзингсен дил ифтихори,
Чечаклар яшнаган жисминг аро руҳимни гузори,
Манинг чун, ушбу оламнинг фақат сен йўғи ҳам бори,
Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боянинг сарви равонидур.

Сенингсиз ғам ила тўлгай умр ҳар они Бобурнинг,
Ўзинг бирла қорилган тупроғи ҳам қони Бобурнинг,
Келур кун, йўқлагай Мирзо ҳам Андижони Бобурнинг,
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибинга тараҳум айлагилким Андижонийдур.

ҚАРО СОЧИНГ

Солибдур ишқини олам аро қаро сочинг,
Қилибдур аждахога мубтало қаро сочинг,
Берибдур дилга дарди бедаво қаро сочинг,
Күнгүлга бўлди ажойиб бало қаро сочинг.
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Қўшилди йиғлақи савдои сизга - тун аҳли,
Синоат ичрамиз ҳамкор - бу тугун аҳли,
Машаққат не писанд ҳатто эсса самум аҳли,
Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Бўлур олам жаҳон ҳайрон, эгилган сунбуллар,
Чаман киймас либосин, гунча ҳам очмас гуллар,
Юмиб кўз сайрамас бўстонда неча булбуллар,
Сочинг шикасти бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса қаро сочинг.

Чекинди дардлари, неча дардлари оғирнинг,
Кўринди кундузи туннинг охири, охирнинг
Кулубдур тоълеи, Мирзо, сен киби собирнинг,
Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

ҚОМАТИ ШАМШОД


Сен бир малаксен ё пари зурёд,
Мадҳингга ожиз минг қалам, довот,
Эй сўзи шаккар, эй кўзи сайёд,
Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод.

Дилбари дилдор, гунчай гулнор,
Ноз ила юз бор жилваси такрор,
Айладинг ҳумморм, алдадинг айёр,
Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади эй ёр, ҳеч киши ёд.

Қаҳр сочодур, гоҳ юз очодур,
Бирда қочодур, бирида зоҳир,
Майми ё чоғир, кайфи хўп оғир,
Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.

Юзи шаъмидин, лаъли намидин,
Ё карамидин, қош қаламидин,
Жамъи жамидин, бу ситамидин,
Ёр ғамидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолау фарёд.

Неча ойу йил, занжирбанд қил,
Парчала чил-чил, бағримни ҳам тил,
Мирзоға мушкил бўлмаслигин бил,
Бобури бедил, эй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга мұтод.



НЕ БҮЛДИ

Гулғунчай ризвон қани, эй ёр, не бүлди?
Лаълингдами пинҳон, қани, эй ёр, не бүлди?
Лаблар яна сарсон, қани, эй ёр, не бүлди?
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бүлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бүлди?

Кечдим икки дунё ишидин, сенки дединг кеч,
Кўрсат жамолинг менга, кўнглум чигалин еч,
Васлингни кутиб толмади кўз эртаю ҳам кеч,
Кетдим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч
Ул телбайи ҳайрон қани, эй ёр, не бүлди?

Қайдин бу хумо кўнди менинг бошима ногох,
Кўнглумга солиб баҳтми, жафо топмадим изоҳ,
Қалбимни яро қилган ўзунг, малҳами эй моҳ,
Жонимга даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бүлди?

Ишқимда ёниб буткул адo, дея кутдинг,
Сен Ширин змас, ки Ёсуман, йўлини тутдинг,
Мирзони туроб айладинг, илдам босиб ўтдинг,
Мундоқму эди аҳдки, Бобурни унутдинг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бүлди?

КОШКИ

Ул малак ёлғиз менга бўлса ҳувайдо, кошки,
Оҳқим, жўш урмаса дунёда гавго, кошки,
Ёрабо, мунча ўзин тутмаса танҳо, кошки,
Қўрмагай эрдим жамоли оламоро, кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламға расво, кошки.

Зулм эмиш дунё ҳамиша, ул доғи ёлғон эмиш,
Чин саодат маскани кўп кимсадин пинҳон эмиш,
Ошнолик йўли ғурбат ҳам тўла ҳижрон эмиш,
Ишқ бобининг ниҳоли ғам, бари хирмон эмиш.
Қилмагай эрдим бу гулшанни тамошо, кошки.

Эй кўнгул, кўзинг тушарму бевафо, бедилга ҳам,
Чархфалак гирдоб ичиндан чиқмоғинг мушкулга ҳам,
Балки тайёрдурсен энди айланургага кулга ҳам,
Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал тилга ҳам,
Кечмагай эрди анингдек лабз асло кошки.

Чашми ғарқ, қаддимни дол этди ўшал бўй-басти сарв,
Ўқи мижгони қаролаб элга имзо чекди ҳарф,
Сўнгагимдин хайр учун «бир пул», гадога, қилди зарф,
Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо, кошки.

Дилраболардин йироқ тут ўзни, кўнглинг тўлмагай,
Дилдаги дардингга ҳеч кимса шерик қўргилмагай,
Тасбех айт Мирзо, мудом ҳаргиз бекор ўгрилмагай,
Иҳтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай,
Ишқу васлу айш ила ишратдин илла, кошки.

ЗЕБО КИБИ

Не жаңонда қай нобот бор лаъли шаккархо киби,
Лаъли шаккар сочмоғида гул очар хұмро киби,
Юз очиб қүнглумни очтай, ғұнчалаб, дунё киби,
Не чаманда сарв бор ул қомати раъна киби,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи зебо киби.

Хайдаса кетмай қошидин айланурмен сурдек,
Тортадур үзига шамъи жон талабчан нурдек,
Илкида жон қийланур, ул фахр этур масрудек,
Не жафо таврида бор дунёда ул бемеҳрдек,
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Сажда қилгум пойига, үзга нетай одатниким,
Лабларим тегса изиға сипқорай роҳатниким,
Алмашиб тоатға тутдим ушбу дам, соатниким,
Айласам күйида маъво, найлайнин жаннатниким,
Бор манга ул ҳур кўйи жаннатул маъво киби.

Васл учун олам чароғон, йўқ эса ўчмакдурур,
Ул қуёш қошида турмак ҳам оғир кечмакдурур,
Зулфи маҳф этган чигил қўнгул ипин ечмакдурур,
Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмакдурур,
Соқийи гар бўлмаса ул шўхи базморо киби.

Пардасин олса юзидин дардлилар топгай шифо,
Бул иноятдин яна қўнглумда очтай минг яро,
Нокерак, Мирзо, оғочдек ёнди оташ ишқ аро,
Минса абраш ул қуёш, куймай нетайким, Бобуро,
Мени куйдирмакка елдур маркаб, ўтдур ро киби.

КҮРСАТМАҒАЙ

Мени ағёрлар аро айблаб гадо күрсатмағай,
Күйида сариқ юзум, қаддим дуто күрсатмағай,
Ишқида ҳар не синов чоғи хато күрсатмағай,
Шоми ҳижронин манга ул бевафо күрсатмағай,
Хажр шоми асру муҳлиkdir, худо күрсатмағай.

Доғмен, пулкор нигорим дам мулойим, дам гажр,
«Жон ато қилгум» - дегай асли жонимға мунтазир,
Лутф этар охир - тараҳұм, илтифот, кутгум ажр,
Ваъда айлаб фасл, күрсатгай, неча жонимға ҳажр,
Неча күнглумға жафо қилғай, вафо күрсатмағай.

Бу жафони ҳеч кима күрмам раво, тортай үзум,
Құқамен охир очиқ кетмасму деб икки күзум,
Тоабад этгум дуо - ёлғиз худо берсун түзум,
Ул қаро күз ҳажрида - тундек қарорди кундузум,
Ёраб, андоқ кунни ул күзи қаро күрсатмағай.

Огу сочмасдин туруб лаъли шакар, дур сочмағай,
Заҳрини сочмас эса, күплар қошидин қочмағай,
Сўкса, малҳам дардима, беркинса күнглум очмағай,
Очмағай кўзини то сўкмакка оғзин очмағай,
Юзуни күрсатмағай то юз жафо күрсатмағай.

Оғритур оғриқда бўлган кимсани дил оғриғим.
Йиғлатур юз мингта шайдо соҳтани кўнгул йиғим,
Сигмағай оламға оҳим, тарс ёрилғай бу сигим,
Ишқ истар бўлса Мажнун айлагай пайравлиғим,
Йўлни не билгай киши то раҳнамо күрсатмағай.

Сўрмағай дунё, висол кутгай гадолар шоҳидин,
Алҳазар. Йиғлар замон, ишқ дарди йўқ густоҳидин,
Нолиши етмасму Мирзонинг - дарак йўқ моҳидин,
Учқутектур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел, пари таъжил ила жоним ҳаво күрсатмағай.

Ё ҚОШИНГ...

Гул юзинг очқонидин юз дилда хоримниму дей?
Жоладек ёшым түкиб, йиғлаб бороримниму дей?
Ёху айтиб ҳар кечам ўтган наҳоримниму дей?
Ё қошинг янглиғ әгилган жисму зоримниму дей?
Ё сочингдек тириа бўлған рўзгоримниму дей?

Ул юзунг ҳар икки оламдин адаштирди, нетай,
Даҳри дуннинг дастидан бош қутқариб қай ён кетай,
Кўксума санч кипригинг, меҳроби қонигга етай,
Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай,
Дарди муҳлик ичра жони бекароримниму дей?

Ўн саккиз минг олама ўт қўйди оҳим - ҳар дамим,
Ўт юзунг ёритди, пайдо бўлди доги юз ганим,
Мунча қийноғдин тилга кирди аъзойи таним,
Кундуз ўлса тунгача айтайму бепоён ғамим,
Кеча бўлса, тонгга дегру ҳоли зоримниму дей?

Ҳажри расво этганин аҳли жаҳон билди сени,
Ул фалак терс айланиб, ўз чархига илди сени,
Гул дединг, кўнглунгни бисёр хорлар тилди сени,
Телбаю мадҳушу беҳуд демаким, қилди сени,
Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи ҳуморимниму дей?

Куйди, жонимдин чиқар дуд шуълаи тобонида,
Жон берарда мақтовимни битса бас девонида,
Балки исминг, кут, чиқар Мирзо, малак фармонида,
Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижронида,
Тонгга дегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

УЛ ПАРИ

Қош қиличин үйнатиб, жабрини буткул қилгудек,
Үлтириш илмин синаб ул менда минг хил қилгудек,
Жилва бирла мени қатл, ҳурларни қойил қилгудек,
Бир пари мен телбани ҳусниға мойил қилгудек,
Күзум ичра ер тутуб, күнглумда манзил қилгудек.

Зулфи бўйнимдин олиб, мужгони ўқлайдур чунон,
Гул юзун ҳар хори бағримға ботодур беомон,
Гоҳ қўзи, гоҳ киприги жонимға солғайдур қирон,
Кўнглумизга жавр беҳад қилди у номеҳрибон,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилгудек.

Бир қиё боқса бутун дунёни чархин бургудек,
Жавр, захмат тахтида то зулм этиб ўлтурғудек,
Қошу мужгон басма-бас ўқлар отар ўлтургудек,
Нотавон кўнглумга ишқи қайғуни келтургудек,
Айшу ишратни кўнгулдин қайғурур эл қилгудек.

Бўлмагай ҳеч бир киши, дард бирла ошно мен киби,
Ёр сўкинчи, дашномин заҳрига шайдо мен киби,
Ташлабон кетган ҳазондонида пайдо мен киби,
Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби,
Ким бу навъ иш, иш эмасдур ҳеч оқил қилгудек.

Чекмадим афсус, кўнгул йўлга кириб, эй аҳли ишқ,
Бош уриб кирдим жафо домин кўриб, эй аҳли ишқ,
Нолимас Мирзо ҳажр дурин териб, эй аҳли ишқ,
Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,
Ишқ атворини ишқ аҳлиға мушкул қилгудек.

ТОПМАДИМ

Оламдин ўзга ғам тұла бир ғор топмадим,
Одамдин ўзга одами ағер топмадим,
Мехрим берибон мен каби ҳечі хор топмадим,
Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Күнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Үзимдин ўзга дунёда беор күрмадим,
Мехру садоқатға дили зор күрмадим,
Дунёда вафо бормиди - зинхор күрмадим,
Жонимдин ўзга жони дилафгор күрмадим,
Күнглум киби күнгулни гирифтор топмадим.

Очгач юзини сұнди қуёш, ой или Зухра,
Айтгач сүзини тинди тамом булбулигүё,
Умрим тунига ёқди чароғини маҳлиқо,
Усрук күзига токи күнгүл бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Қалбим уйида нола қилур ошиғи булбул,
Шайдолигини ёрга баён этмоғи мушкул,
Холимни сўраб келмади у, ўтди ойу йил,
Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгил,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Мирзо қидириб кезді, ватан - диёрсизки мен,
Гирёна бўлиб ҳар кўчада орсизки мен,
Дунёда қолиб кўзлари хуморсизки мен,
Бобур, ўзингни ўргата кўр ёрсизки мен,
Излаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

НОТАВОН БҮЛДИМ

Сочинг қирқ-қирқ қароқчидек талар жон, беомон бўлдим,
Надур жон-бор кўнгул мулким олибсан, кўп талон бўлдим,
Ўзингдин ўзгага кўнглум йўқ, элда мен ёмон бўлдим,
Сенинг ишқингда, зй номеҳрибон, бехонумон бўлдим
Демам бехонумон, овораи икки жаҳон бўлдим.

Қошинг қийғоч ўқин отгач тутиб жонимға солғаймен,
Путинг гардин кўзимга сурмасам, дардингда толғаймен,
Қора ҳолинг, қаро юз қилса ҳам орзуда қолғаймен,
Лабинг гар бермаса бўсе, нечук жон элта олғаймен,
Бу йўлдаким адам саҳросига эмди равон бўлдим.

Неча кўрдим суюқ маҳбуналар, кўнглумни чангладим,
Қориб тупроққа жисмимни, дилу руҳимни тантладим,
Товуш қилган чоғи бир гул ўлиқ созим оҳангладим,
Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини онгладим,
Бир оғиз сўз била кўрунгки, мунча хурдадон бўлдим.

Вафоли дўст топурман деб бу кўнглум нелара сотдим,
Бериб меҳрим, эвазга огу олдим, таъмини тотдим,
Садоқат бирла ёр тутдим, ўзим фармонига отдим,
Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ нишон бўлдим.

Сабоқсиз бир гўл эрдим кирмайн ишқ бўстонига,
Кўнгул тушди бу дунёning ечилилас чистонига,
Келибман рўбару мен ҳам бу дарднинг исёнига,
Кулар эрдим бурун Фарҳоду мискин достонига,
Бу Шириндурки онинг бир-ла ўқ ҳам достон бўлдим.

Жаҳон жарчилари ҳуснингни мақтаб урдилар хўп бонг,
Менга бир ишқ деган неъматини кўрди раво, шу тонг,
Вале, Мирзо, жамолингни кўтарни илгамас бу онг,
Висолинг давлатига етмасам Бобур киби, не тонг,
Ки ҳажринг меҳнатида асрү зору нотавон бўлдим.

ЭТМАДИМ

Күйида девона, расвوليқни инкор этмадим,
Ит каби ортидан эргашдим, дағы ор этмадим,
Сангги сор ўлдум, қошида инграб, озор этмадим,
Файр тоши захмидин дардимни изҳор этмадим,
Ичтаги пинҳон ғамим тошдин намудор этмадим.

Истамас, ор дер, изига юз сууримни менинг,
Қайғуга айлантируп ул бу ҳузуримни менинг,
Ёлбориб сўрдим, қабул қилмас узуримни менинг,
Қондин злга ёйди тифли ашк сирримни менинг,
Чунки мен ул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим.

Бахш этар ағёрға роҳат лабларининг ояти,
Келгай эрму то ҳаёт, мендек гарибнинг навбати,
Жон сўрар - азми азоб жавру жафодур даъвати,
Келмади кўнглумга ишқининг суруру давлати,
То кўнгулни меҳнату ғамға сазовор этмадим.

Лабларин аксида тош, лаъл бўлди, пайдо тизимда,
Дилраболар бўйнидин қучгай у расму русумда,
Номланур не-не гўзал, юз бор гўзал шу исмда,
Юзи ҳуршиди, тиши дурридин айру жисмда,
Қолмади бир зарра ерким, тишдин афгор этмадим.

Қон ёшимдин наф олиб ер, унмаса бир лолаки,
Бу йигим не, олмаса оламни тўккон жолаки,
Жон фидо қилганда, Мирзо, бўлмаса ёр волаки,
Толимдин не осиг, Бобур, фиғону нолаки,
Уйқулук баҳтимни бу ун бирла бедор этмадим.

САРГАРДИМ

Сенга дил оғригин айтарман энди, жон сүрар дардим,
Күнгүлға қон тұлыб, күздин тошарда, дард учин ёрдим,
Бу жисмим ташладим үт комиға, ишқ қонига қордим,
Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Күруб раҳм айлағил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.

Бер имкон бир нафас ростларға, күз үйнатмагил нарғис,
Раҳм қил, үт босиб жисмим үпарға қолдириб бир из,
Нигохинг тушса қай ерга, юзим суртай, мени еткиз,
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёгингға тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Оёқ остида хор ўлмоқ менга орзу яна иқбол,
Юзум сарғарса, қон ёшим тўкилса, давлатим - бу ҳол,
Тилаб баҳтинг толиқмам ҳар неча қийноқ, азобинг сол,
Латофат гулшанида гул киби, сен сабзу хуррам қол,
Мен арча даҳр bogидin хазон яфроғидек бордим.

Ўтар бўлди умр то рўзи маҳшар ишқ занжирида
Нетайким, топмаса малҳам Масиҳ ҳам куйса бу нурда,
Висолинг ҳасрати этмиш дилу жонимни пажмурда,
Хазондек қон ёшим сориғ юзимдин эл танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни кутқордим.

Олай кўнглин десам, ҳар неча ки зарга сотилмайдур,
Ёниб кул бўлсамам, васлин бирор они тотилмайдур,
Саодат эшиғин менга ёпур, кимга ёпилмайдур,
Не толиъдур мангаким ахтари баҳтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Жунун даштида ўртансам ўшал ой лаъли-кавсадур,
Вале дашноми оғзидин чиқар сўзи муаттардур,
Ёзилғон шаънинга Мирзо, қаро, юз мингта дафтардур,
Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ямон-яхшидин ўткардим.

МАҲВАШИМ

Дунёдин учдим самоға, балки ўнггим ё тушим,
Телбадек гоҳ бор эди, гоҳ йўқ эди ақлим, ҳушим,
Ломакон даштида ўртаб ҳам ёнарди дил қушим,
Оёғин ўпсам етишгай арши тоқига бошим.
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашим.

Фаҳр этарман итинга ҳамроҳликдин ҳар неча,
Жон ипин ёқ ўтказиб, юз минг пилиқдин ҳар неча,
Оқса қон бағримдаги ҳар бир тилиқдин ҳар неча,
Қўймоғимдур этагинг, кетсам илиқдин ҳар неча,
Бормоғимдур остоңингдин, агар борса бошим.

Кўз юмарлар оқибат моҳтобу анжум ишқида,
Неки бор бир-бир ўтар офтобу гардум ишқида,
Ҳар қачон дилбар ўшал ёр этмади зум, ишқида,
Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,
Ўлганим яхши, бу навъ ар ўтса элликдин ёшим.

Бенаводурман, мени рўйхат бошига ёзғасиз,
Оҳима тоб берган ул гул бардошига ёзғасиз,
Тоабад кўз олдида турсин, қошиға ёзғасиз,
Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғасиз,
Токи бирдек бўлгай ул ой ишқида ичим, тошим.

Токи маҳшар айлагай дод айтиб аъмолин сенга,
Заҳматинг, завқингда ўтган умр заволин сенга,
Юкламас Мирзо, ғазабнок бўлма уволин сенга,
Ёр айтти: қичқирма, гар Бобур деса ҳолин сенга,
Найлайн бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

МАЪВО ҚИЛИБСАН

Юзунгни мунчалар зебо қилибсен,
Сакиз ризвонни жам танҳо қилибсен,
Ики кўзга талаш ижро қилибсен,
Яна кўз уйида маъво қилибсен,
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Сочинг тортиқ қилур юзингга оро,
Ёмон кўздин тўсиб қолмоқчи гўё,
Бирин икки этиб бошимга ғавғо,
Яна савдойи зулфунгдин нигоро,
Мени ошифтау шайдо қилибсен.

Масиҳ сехри турар лаб малҳамингда,
Бу малҳам жон сўрайдур ситамингда,
Менга шафқат тугаб меҳр оламингда,
Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,
Ўзингни мунча бепарво қилибсен.

Ҳилолингга осилдим шул қаро тун,
Малол олдинг қилиб кўнглумни маҳзун,
Шошиб тайёрланурсен олгани хун,
Қошингдин мени ўқдек ташлар учун
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Умидим бор - ўзунгсен маҳри алтоф,
Сенга шайдо кўнгулнинг фахри - алтоф,
Вафосен ҳам жафо ҳам қаҳри алтоф,
Кўзумдин ёшиниб, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Сени «раҳм айламас» деб алдашодур,
Жамолинг ваъдасиға дил шошодур,
Васл Мирзо дилида бўлди содир,
Согинмас жаннат-ул маъвони Бобур,
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

БҮЛМАСУН

Гул юзунг шабнам үпіб ул оби зам-зам бўлмасун,
Ўртаган шайдоларинг дардига малҳам бўлмасун,
Гар хабар топса жамъи зот қошинга жам бўлмасун,
Ишқ зелининг оҳидин ул сарвиқад ҳам бўлмасун,
Фам елидин ул муанбар зулф дарҳам бўлмасун.

Дунёда одат тусиға кирди тоат расминга,
Лутф кўрсатсанг, башар айтар тасанно русминга,
Жумла оламроҳати, ҳам неймати жо исминга,
Даҳри дундун тегмасун озор нозук жисминга,
Даҳр аҳлидин муборак кўнглунга фам бўлмасун.

Тим қаролик-қош, кўзунг, ҳатting қаросин тутқуни,
Гал менга келмиш, сени тутмасму жонимнинг хуни,
Бошима солдинг қаро кун, бу қаро зулфунг туни,
Кўп жафову жавр кўрдум, эй қуёш, ҳажринг куни,
Бошимиздин сояйи саври қадинг кам бўлмасун.

Бенаводурман ўзум, арз айласам қилма араз,
То абад ҳажрингда ёнмоқ менга суннат ҳамда фарз,
Дунёга келдим сенга ҳамд айтгани, этгум фараз,
Оlam аҳли бирла оламдин манга сенсен фараз,
Зоти покинг бўлмаса оламда одам бўлмасун.

Субҳидам ороланиб чиқмоғи чоғинг пойлаким,
Бўсадин мажнуннамо кайф бўлма лаълин майила ким,
Ёрга ағёрлар назар солмиш, дилингга жойлаким,
Гар ҳавадорим эрурсен, эй сабо, арз айлаким,
Ул юзи гул сарв ҳар ҳас бирла ҳамдам бўлмасун.

Даҳр аро роҳат, фарогат борки шайдолиғдадур,
Роҳат ул ким васли ҳижрон, доги савдолиғдадур,
Хору зорлиғ эмди Мирзо, сенга ошнолиғдадур,
Гарчи ошиқ лозими оламда расволиғдадур,
Ишқ аро Бобур киби расвойи олам бўлмасун.

ШАККАРАФШОН ҚИЛҒАСЕН

Қанча шайдоларға лутфу шаккарафшон қилғасен,
Қочириб икки лаъбинг, лабини ҳар ён қилғасен,
Бу ишинг бирла жамъи жиссими ми сўзон қилғасен,
Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон қилғасен,
Хотиримни неча зулфингдин паришон қилғасен.

Аҳли оламға кулиб боқдинг, менга юз қаҳр ила,
Рақс этарлар шаънинг ашъорлар айтиб фаҳр ила,
Шоду ҳуррам айладинг ҳуснунг закотин сеҳр ила,
Неча етгургайсен сен эл бошини кўкка меҳр ила,
Неча мени жаврдин ер била яксон қилғасен.

Қаҳр этиб, қилсам тавоғ кимларга манзур эткасен,
Кимга роҳат бахш этиб, кимларни масрур эткасен,
Аҳли тарсо олдида ҳорликда машҳур эткасен,
Кўнглума дашному таънинг улча мақдур эткасен,
Жонима беъдоду зулмунг улча имкон қилғасен.

Эй малак сиймо юзунг ним сояси ризвондурур,
Үн саккиз минг олам ичра бир моҳитобондурур,
Иккимизни фарқ этарга ер ила осмондурур,
Манга бормоқ мушкилу келмак сенга осондурур,
Ушбу мушкулни манга, ёраб, сен осон қилғасен.

Ким эшиятгай ошиқ эрсанг нолай зоринг сени,
Зор кўнглунг қадр топмас йўқки бозоринг сени,
Бўлмагай Мирзо, малак, асло харидоринг сени,
Демагай аҳсанта лаҳзин, Бобур, ул ёринг сени,
Нечаким Ҳассон киби ўзни суҳандон қилғасен.

ЖАМОЛИНГ ВАСФИ...

Эгилди қоматим дунё юкидин, йиглаб ўтгаймен,
Йиғимдин бездилар, аҳли жаҳондин мужда кутгаймен,
Сенинг номинг атаб келган кишиға бошни тутгаймен,
Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста етгаймен.

Фалак чархини, ошиқлар азиз бошиға қурғайсен,
Дамо-дам йиглатиб, дам кулдуруб мастона турғайсен,
Висолинг лаззатин сурмоқни мунча ортга сурғайсен,
Тараҳум юзидин юзингни кўрмакка буюргайсен,
Хуш улким, оразингни кўргамен, сўзинг эшитгаймен.

Кўзу қошинг, дудогинг ҳажрини мижгонингга жам қил,
Отиб ўқин бу кўксим порала, нишон ҳар дам қил,
Нишон ўлмоқ менга байрамдуур, сен энди байрам қил,
Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнимға маҳкам қил,
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки йитгаймен.

Ўзингсен сарвари, кўчам тўла зебо била ўтсанг,
Лабимни тамшатиб, лаълингда юз маъно била ўтсанг,
Неча ағёрга лутф айлаб, неча шайдо била ўтсанг,
Тараҳум қилмасанг, ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарру қилғамен, ё йиглағаймен, ўзга нетгаймен.

Ўзим парвонадек тиксам ики жоду чароғига,
Симирсам лабларим босиб ифорин соч тароғига,
Етишмоқ қолдиму Мирзо азиз умринг адогига.
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

КҮРГАМЕН

Юз жафоу жаврни, шухрату шондин күргамен,
Хар қаро күнгүл қаросин юз тамондин күргамен,
Юз жафо күрсамда ҳар яхши - ёмондин күргамен,
Не вафо умримда ул жону жаҳондин күргамен,
Ким вафо жондин күрубдурким, мен ондин күргамен.

Лаъли оятлар сочар он, жонима жойлар эдим,
Ёд этар, исмим чиқар деб оғзини пойлар эдим,
Жон чиқар чоги қадар ҳам кутмайин найлар эдим,
Күз йўлидин ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутди, эмди қондин күргамен.

Бул йигим то рўзи маҳшар кунға чўзулғаймуким,
Ё сабр осмони оҳимдин ютиб тўлғаймуким,
Кўз тутиб лутфиға юзим сарғариб сўлғаймуким,
Ёраб, ул кун шум толиъдин манга бўлғаймуким,
Жонима ором ул ороми жондин күргамен.

Мен фирок комидаман, тушди ороға бу кўнгул,
Шоҳ эдим, шоҳ қилди минг баҳти қароға бу кўнгул,
Топмади излаб даво ҳеч бир яроға бу кўнгул,
Кўз кўрар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,
Бу балони неча чашми хунфишондин күргамен.

Неча мардум илкини тутдунг, мудом кўрдинг жафо,
Ким ўтар дунёдин охир бўлмайин қадди дуто,
Бенаво Мирзо саодат кут, унга қодир Худо,
Бартараф қилғил вафо истарми элдин, Бобуро,
Ул ғалатдурким, вафо аҳли жаҳондин күргамен.

ГУЛ РУХСОР

Тоқатимдин тоқати тоғ бўлди хўп аҳли жунун,
Кўрмаган дунё менингдек жабридин бағри бутун,
«Чикмади ишқ ўтида», деб «кўксидин оҳу тутун»,
Бу кечакулбамга келди ул қуёшим ёшурун,
Қарнларда келмади ҳаргиз мунингдек кечкурун.

Тўлди ўлган ҳам адашганларга ғам, ҳижрон чўли,
Олди комига нишонсиз нечани ҳасрат қўли,
Бир қараб қўймоқ қийин бўлди, мудом тегмас қўли,
Оғзилик тор фурсати васлию ҳам ҳажри йўли,
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қаронгу ҳам узун.

Ёдласам қошинг, қабоғинг, айлашур жоним талош,
Басма-бас мужгону зулфинг қилдилар жисмим савош,
Ҳар неча этсанг зулм, шунча дилим сенга тутош,
То хаёли оразинг тушти кўнгулга, эй қуёш,
Бўлди кўнглум бир ёнар ўту сўнгакларим ўтун.

Менга дўқ, хуш сўз ғайрга чиқди бисёр оғзилик,
Шаънима ҳам жонима кўп етти озор оғзилик,
Таърифу мақтов, ҳавасларга сазовор оғзилик,
Бўлди кўнглумда гирих, ҳасрат анинг тор оғзилик,
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул анда тугун.

Кўйида чарх бир бошим, юз дорга қилди дучор,
Ғам, алам, жабру жафоларға таним бўлмиш бозор,
Бир сиқим ҳокимни қўймоққа фалак излар мозор,
Олғали жонимни ҳижронға ҳавола қилди ёр,
Кўйма ҳижронға, ажал, жонимни ол, тенгри учун.

Гоҳ белин, гоҳо путин кўз-кўз қилиб, сўнг берди панд,
Кўксини зулфи била беркитди, этмас баҳраманд,
Ҳалқумумга жон келар бўлдики, ул ёр нописанд,
Саврдек қадди фироқида фифонимдур баланд,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун.

Пораман - аҳли жунунни йиғлақи қилди бу ҳол,
Эй жаҳон гоғиллари, етди дәманг, унга завол,
Дардида Мирзонинг умри кетмағай ҳаргиз увол,
Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол,
Ишқ аҳли, эмди Бобурни дегайсиз зафунун.

ЖОН БЕРУР

Базмаро ағёрға май сунгай, менга ул қон берур.
Күз уриштиrsa, ғайр юз күргали имкон берур,
Күйида девоналарға лутф этиб эҳсон берур,
Мендин ўзга хасталарға лаълидин дармон берур,
Мен берурмен жону умр - ул ўзгаларга жон берур.

Ҳажрида ёлғиз бошим тортмиш азобу тортқилиқ,
Захрини сочмиш менга, бср элға сўзладидур илиқ,
Кўрганим ундин жафо, кимга ҳузуру юз қилиқ,
Ошиқи мен, ул қилур ағёрға маҳбублук,
Дардманди мен, vale ул ўзгага дармон берур.

Кўз қаро қошин қаро қилмиш ёқиб, гар қуйидур,
Ул қаро қошдин қаро қон тўлди, бу дил уйидур,
Қош отар мижгон ўқин, оғриги ором куйидур,
Ўқида пайкон эмас, бир қатра ҳайвон суйидур,
Етгач ўқ жонсиз танимға жон ўшал пайкон берур.

Эй пари рухсоралар, ёр зулфини мушксиз ўринг,
Сунбулу райҳон исин, андан олишидин кўрунг,
Сочи атридин кўнгул дардимға малҳамлар сўрунг,
Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўрунг,
Ким бу янглиғ дуррӯ гавҳар қайси баҳру кон берур.

Жон ҳузур шўх шевали кўз ҳазилидин маҳруммен,
Юз очар чогини кўрмак фаслидин маҳруммен,
Ул малак, Мирзо туроб, ҳур наслидин маҳруммен,
Бўлғали қаддиға мойил васлидин маҳруммен.
Бобуро, ул ҳусн наҳли бар магар хирмон берур.

КҮРИНУР

Юзларин очганда ризвон күринур,
Барча ризвон унга ҳайрон күринур,
Соя эрди, энди жонон күринур,
Юзида ул лаби хандон күринур,
Сутка күп боқса, бале, қон күринур.

Болу новвот баҳс этодур сүзида,
Жон олиб ҳам жон тутодур күзида,
Рақс этиб раъно кетодур изида,
Ҳатти мушкинмудурур гул юзида,
Ёсуман устида райхон күринур.

Қошида маҳзуну мулзам ўзга,
Йўқ илож бўлмай мусаллам ўзга,
Телбадек йиглар дамо-дам ўзга,
Кўрмагай хотирини жамъ ўзга,
Кимга ул зулфи паришон кўринур.

Зоҳид ошиқни малол айлабдур,
Мажнун, у зоҳидни лол айлабдур,
Англамасдин дердим, савол айлабдур,
Ишқни эл не хаёл айлабдур,
Асрุ мушкилдурур, осон кўринур.

Майни сунмай берди сенга чоғир,
Ғафлат уйқусига чорлайди оғир,
Ёнма Мирзо, ёр синовларға моҳир,
Савр бўйлуқ санаминг, эй Бобур,
Рост айтай, сўзи ёлғон кўринур.

ҚАРО ЗУЛФИНГ

Сенга дардим баён айлай, дилимда оху зорим бор,
Менинг сендан бўлак, элда на дўсту ва на ёрим бор,
Бу ҳасрат тошди жонимдин ҳажр отлиғ диёrim бор,
Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Ақиқ лаълни ниҳон қилди, кўнгул мулким талон қилди,
Ики қошин камон қилди, отиб кўксим нишон қилди,
Коронгу осмон қилди, нетайким, пора жон қилди,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

Бу дунё қаҳри жам бўлса, менга андин ситам бўлса,
Кўзумда зарра нам бўлса, ичай ҳар не қасам бўлса,
Ишқдин шул карам бўлса, оширсин зулми кам бўлса,
Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.

Гоҳи тарсо, гоҳи муслим демишлар сийрати но бут,
Мени ҳар кўчада сарсон этурса на қилай воҳид,
Неча шаккок десин эл, қолғамен ўз ишқима событ,
Агар муслихмен, ар муфсид ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёrim бор.

Хабар йўқ сочи сунбулдин, ашким тошди ҳам Нилдин,
Тиларман куну ой, Йилдин, муродим излабон қулдин,
Ки Мирзо қолдимам тилдин, бу савдо ишқ мушкулдин,
Фигоним ошди булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгилда хорхорим бор.

МУШКУЛДУР

Фигоним түхтамас, тиймоқлигим зинҳор мушкулдур,
Этурман кеча-кундуз тинмайин безор, мушкулдур,
Неча ор қилмагил бу йүлда мен беор, мушкулдур,
Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур.
Сенинг бирла чиқишишмоқлик дағи бисёр мушкулдур.

Кулиб ҳам йиғлагай эл күрсатиб, номим атаб телба,
Атарму бир балоси бўлмаса гар бесабаб телба,
Кўриб раҳм айлагил ё ўлдириб, де «Бу ажаб телба»,
Мижозинг нозику сен тунд, мен бир беадаб телба,
Сенга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкулдур.

Навосиз зикр ила не наф бўлур изҳор жаҳтимдин,
Назар солмас экан ҳожат эмас шоҳлик тахтимдин,
Кўзимдин ёш чиқиб, чиқмас экан аҳд қон аҳдимдин,
Не осиг нолаву фарёд хоболуд бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушкулдур.

Бу шоҳлик не керак, ёраб, магар танҳо ўтармишман,
Эшигимга - «осурман», - деб келуркан ёр, дилхушман,
Нечун элдин айюрдилар, на шоҳман, оҳ на дарвешман,
Манга осондурур бўлса, агар юз минг туман душман,
Вале, бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкулдур.

Борурсан сарғариб Мирзо, бўлуб ишқ оқибат зоҳир,
Бу ҳолингдин кўз очгай телбалар мудроқламай охир,
Чалурсан дил наволар, етгани, булбулданам моҳир,
Висолинким тиласен, нозини хуш тортқил, Бобур,
Ки олам боғида топмоқ гули бехал мушкулдур.

ПИСАНД ЭРМАС

Лабин қандин тотиб мен телбаман, ул қанд - қанд эрмас,
Агар юз минг муфассир ҳамд этса лаълини, ҳамд эрмас,
Бу йўлдин қайтарар кимса ишқдин баҳраманд эрмас,
Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким дилписанд эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд эрмас.

Менга оқил бўлишдин аввал, Иброҳим киби ёққил.
Ўт ичра тур униб лоладайин, ёр кўксига тоқил,
Суриб хузрин ишқнинг нелигин бил, кўнглинга жо қил,
Неча девона кўнглумни қилурсен нафъй, эй оқил,
Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд эрмас.

Наво топдим, навосиз эрди кўнглим гулюзлардин,
Шифо топдим юз оғриқ жонима, бордим ул излардин,
Худойим сақласин бу толеимни осий кўзлардин,
Қилурсен талх айшим комини бехуда сўзлардин,
Саросар сўзларинг заҳридур, эй носиҳки, панд эрмас.

Юзун ўпмоқ учун рўймолини кўтарди ел аста,
Ўшал чоги кўринди ёширин қамчини, бир даста,
Тезоб тӯшмиш бошимға, кўзларимға - қилдилар хаста,
Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Амал қилмас экан ҳар ким сўзига - охири хордур,
Элин ардогига, ҳам ёрининг севмогига зордур,
Кўнгул кўзунг оч, эй Мирзо, ики дунё сенга ёрдур,
Жаҳонда кўп гадо гарчи лавандатворлик бордур,
Ва лекин Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд эрмас.

ТОПИЛМАС

Дардим ошадур, малҳами душвор топилмас,
Бу сенга аён, ўзгага асрор топилмас,
Ишқинг кўчасин зулмати такрор топилмас,
Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.

Кўнглум сенга чопган сари сен шунча нарисен,
Ҳар неча малак турса қатор, жон севарисен,
Сумбулми, суман гулми, ифор бари-барисен,
Бу шаклу шамойил била ҳудҳуру парийсен,
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Оlamда яшаб тургамен олами жаҳон йўқ,
Чун сўзи келур, этди ҳумор, васли ниҳон, йўқ,
Балким мени кимлар қоралар, неча замон йўқ,
Ағёр кўз оллидаву ул ёр аён йўқ,
Ғамхоре кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Айт неча замон тортади зулфунг кишанида,
Қатлимға лабинг ҳукм этадур ҳар суханида,
Қошинг ўқи маҳв айлади ётдим тиканида,
Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида
Кўзни юмуб очқунча бу гулзор топилмас.

Ҳажрингда ёнурмен, менга ҳамкорлиғ этгил,
Машқингни қўйиб, дилга беозорлиғ этгил,
Мирзога раҳм айлаю дилдорлиғ этгил,
Бобур, сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оlamда кишига йўқ эса ёр топилмас.

ҚОЛДИМУ?

Юзима суртилмаган дунё қароси қолдиму?
Дарднинг қон томмаган ҳеч бир яроси қолдиму?
Охи додим етмаган олам ароси қолдиму?
Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Андижондин айрилиб, бағримга ботди неча ниш,
Бу ҳали бир имтиҳон, юзлаб азоби бор эмиш,
Ўзгаларга лутф, менга зулм устига зулм ахтариш,
Мени хор эттию қилди муддаъийға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?

Кўйида ҳолдин тойиб, босган изига тегди бош,
Ор этиб мундин малак ёғдирди тинмай таъна тош,
Неча итин ўртасинда қилди жисмимни талош,
Мени ўлтурдид жафову жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?

Дардима малҳам лаби-шаккарми, лаълми ё ақиқ,
Жонима қўймас, нетай, дил пораман, кўксим чақиқ,
Энди йўқ, кутмам умид осий жаҳондин бир дақиқ,
Ошиқ ўлғач кўрдум ўлумни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Кўрмадим ундин вафо дил бўлди мустар, қилма айб,
Бўлмади ҳатто бағр чокига астар, қилма айб,
Эмди дард, Мирзо, сени, қайларга қистар, қилма айб,
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

ДИЛДОР ЭМИШ

Ушбу оламда кишиларга киши даркор эмиш,
Қай киши кимга күнгүл берса, анга ғам ёр эмиш,
Дил жабр чекмакда, ул бир меҳрсизга зор эмиш,
Олди күнглумни соғиндимким, манга дилдор эмиш.
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Зулфининг ҳар толаси, ҳар бир куним этмиш қаро,
Ҳар қаро тун ичра бошимға солур минг можаро,
Үлдириб ҳам қилмағайдур ситамидин мосуво,
Ошиқ ўлғач кўрдум ул шамшод қаддин-юз бало,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Гул юзидин чимматин олмоғини пойлар эдим,
Пайқаб ул тош отса, ўпид, кўксима жойлар эдим,
Эҳтироми шул экан дердим, бўлак найлар эдим,
Илтифот этмаслигин бози хаёл айлар эдим,
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.

Ёр деб дунёда юзим бўлди бунча қорае,
Жон олар жанонга жоним ёлбориб оворае,
Қанча ёлборсам жафосин оширур тоборае,
Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае,
Чун ўзи қотил, сўзи муҳлиқ, кўзи хунхор эмиш.

Чинму ёлғон ваъдаларга бир гадо ишқ аҳлининг,
Таънаю дашном, ўкинчга ошино ишқ аҳлининг,
Ҳажр заҳридин жигар, бағри яро ишқ аҳлининг,
Хусн аҳли, эй күнгүл, олам аро ишқ аҳлининг,
Кўнглуни охлар эмиш, ҳар кимга ким дилдор эмиш.

Мехрибонлиғ йўқ - алам, андуҳ бошимға бўлди жам,
Ҳасратимдин қочадур, безордур аҳли одам,
Қоп-қора қон туфлади Мирзо күнгүл ёзган қалам,
Ул вафосиз ёрдин чекмак не яъни мунча ғам,
Хусн аҳли чунки Бобур, дуняда бисёр эмиш.

ЯХШИЛИФ

Бормиқин оламда ҳеч, излай қаёндин яхшилиғ,
Күз ёшым ҳам топмади оху фиғондин яхшилиғ,
Жон талаб қилғайму, мен бағри сўзондин яхшилиғ,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Дунёда ҳеч бир кишидин таъма қилмам зар, ақиқ,
Турмаса бас эрди тайёр ул йиқарга ҳар дақиқ,
Не даврким одамидин заъдаман кўксим чақиқ,
Бу замонни нафъй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дўсту ёронлар Амудек қўйдилар хун кўнглума,
Солди ёғду ўрнига, эй воҳ, қаро тун кўнглума,
Не керак гул юз вафо қилмаса мафтун кўнглума,
Дилраболардин ямонлиғ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Нолима ҳаргиз, жаҳонда бағри қонлиғ асру кўп,
Ҳасрати оламча бор дил хаста жонлиғ асру кўп,
Оҳ чекиб ўтган неча, ҳар не замонлиғ асру кўп,
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,
Энди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Ошиқ эрсанг этма ор, сенга жунундин яхши йўқ,
Қай маҳал ўлмоқ ечилмас, бу тугундин яхши йўқ,
Мехр кўргаз ўйлама, бунга бугундин яхши йўқ,
Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Ўтган ул дониш, даҳолар, яхшилиғнинг мактаби,
Ким алар йўлин кутар бўлса, ушалгай матлаби,
Соч кўнгул мулкини Мирзо, таъна қилма, дер Наби,
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрибтур эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,

АРМОНДУРУР

Нетайки топганим булбуллари йүқ бир гулистандур,
Навосиз бу гулистанда ўтар умрим ҳам арзондур,
Умр арzon, яна қурбон, не жон сўзон – бу армондур,
Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

Қаро кўзин қаросига кўз суртиб, кўзгу қилсам,
Кўзимдин ор этиб ер тепсада, гардин инжу қилсам,
Оёғин остиға бошим қўйиб юз тазарру қилсам.,
Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзимга ўқдурур сарву кўнгулга ғунча пайкондур.

Шакар гуфтор, кўзи ҳуммордурур жону-жаҳонимнинг,
Қоши ой, чехраси офтоб бу кўнгул осмонимнинг,
Лаби лаъл, тишлару дур-мулки ҳадсиз хонадонимнинг,
Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилистонимнинг
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур.

Бу олам айланур, қошида юз минглаб, доғи бедор,
Жаҳон аҳли талошиб васлини, ишқин этар изҳор,
Навосиз нолалар етмас, нисор жон этмаса бекор,
Висоли лаззатидин рух топмоқлик эзур душвор,
Фироки шиддатида йўқса жон бермаклик осондур.

Кўринди дардларим юзимда сарғарган чоги зоҳир,
Адо қилгаймудур, ул ой муруват этмайин охир,
Кўзунг юз тусламай Мирзо, абад кетмоқлиғинг оғир,
Бошидин эврулур армони бирла ўлдум, эй Бобур,
Менинг наъшимни бори ул пари кўйидин айлондур.

МУНДАРИЖА

Ижод машаққатлари	3
Зор анга	5
Керак бўлса	6
Зебо яна	7
Кам била	8
Шайдолиг била	9
Бўлмаса	10
Байрам била	11
Сочининг савдоси	12
Зулфи шалола	13
Қачон бўлғай	14
Баҳор айёми	15
Қаро сочинг	16
Қомати шамшод	17
Не бўлди	18
Кошки	19
Зебо киби	20
Қўрсатмагай	21
Ё қошинг	22
Ул пари	23
Топмадим	24
Нотавон бўлдим	25
Этмадим	26
Сарғардим	27
Маҳвашим	28
Маъво қилибсан	29
Бўлмасун	30
Шаккарафшон қилғасен	31
Жамолинг васфи	32
Кўргамен	33

Гул рухсор	34
Жон берур	36
Күринур	37
Қаро зулфинг	38
Мушкулдур	39
Писанд эрмас	40
Топилмас	41
Қолдиму?	42
Дилдор эмиш	43
Яхшилиг	44
Армондурур	45

**Қобил МИРЗО. «Қаро зулфинг».
З. М. Бобурнинг қирқ газалига 40 мухаммас.**

Мұхаррирлар

Тех. мұхаррир
Мусаввир
Мусахих
Саҳифаловчи

Қамчибек Кенжә.

Фахриддин Ибайдуллаев.
Минурахон Мирзакаримова.
Сайёра Жўраева
Нигорахон Тожиматова
Содибаҳон Ўлмасова.

Босмахонаға 12.10.2007 йилда берилди. Босишга 3.02.2008 йилда
рухсат берилди. Бичими 84 x 108 1/32 Ҳажми 1,5 босма табоқ. Буюртма
120. Тиражи 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«Андижон нашриёт-матбаа» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.